

Убайдулла Султон, Убайдий

(1486-йил, Хоразмнинг Вазир шахри якинидаги Тирсак мавзеси - 1540-йил 17-март, Бухоро)

(1533-1539)

Бухоро хони, шоир. Шайбонийлар сулоласидан. Мухаммад Шайбонийхоннинг жияни, Махмуд Султоннинг ўгли. Тўлик исми Абулғозий Убайдуллох Баходирхон ибн Махмуд Султон ибн Шох Будог Султон ибн Абулхайрхон. Отасининг илтимосига кўра, унга Хожа Убайдуллох Ахрор ўз исмини берган. Тасаввуф бўйича дастлабки сабокни отасининг пири Мавлоно Мухаммад Козидан олган. У.га ўз даврининг машхур уламолари Фазлуллох ибн Рўзбехон, Махдуми Аъзам, Мавлоно Мухаммад Азизон, Мавлоно Хожа Мухаммад Садр ва бошқалар устозлик қилган. Хусусан, унга давлат арбоби ва саркарда амир Абдулла Яманий (Бухорода Мир Араб номи билан машхур бўлган) харбий санъатдан сабок берган ва ўзига мурид қилиб олган.

Хоразм ва Бухоро ҳокими бўлган отаси Махмуд Султон Кундузда вафот этгач (1504), унга Ўрусбек Дўрмон (1512-йилда Кўли Маликда бўлган жангда ўлдирилган) оталик қилиб тайинланган.

Убайдуллахон амакиси Шайбонийхоннинг Хоразм (1505), Балх (1506), Хирот ва Машхад (1507)га қилган харбий юришларида қатнашган.

Дастлаб сафавийлар кўшинининг Мовароуннахр ичкарасига бостириб киришидан чўчиган Убайдуллахон ва Мухаммад Темур Султон (Шайбонийхоннинг ўгли) шох Исмоил I билан элчилар алмашиб, сулх тузишга уринганлар. Шайбонийлар сулоласининг хони Кўчкунчихоннинг асосий ноиб (1510-йилдан) ва Бухоро ҳокими (1504-йилдан) сифатида Убайдуллахон душманга қарши курашга отланган. 1511-йилда бўлган жангда енгилган Убайдуллахон ва Кўчкунчихон, Самарканд ҳокими Суюнчхўжахон, шунингдек, Мухаммад Темур Султон ва Жонибек Султон ўз яқинлари билан Туркистон шахрига чекинадилар. 1512-йил 28-апрелда Кўли Малик жангида Убайдуллахон галаба қозониб, Бухоро ва Самаркандни эгаллайди. 1512-йил баҳорида Убайдуллахоннинг шижоати натижасида Мовароуннахр яна шайбонийлар кўлига ўтди. Бирок Исмоил I юборган Нажми Соний бошчилигидаги 60 минг кишилик сафавийлар кўшинига суянган Бобур 1512-йил кузида Гузор ва Қаршини эгаллайди. Нажми Соний кўшини Гиждувонни камал қилишга киришди. Убайдуллахон ва Жонибек Султон Қарманага; Кўчкунчихон ва Темур Султон Миёнқолга чекиниб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўришади. 1512-йил 24-ноябрдаги Гиждувон жангида Убайдуллахон бошчилигидаги кўшин галаба қозонган.

1513-йил январда Убайдуллахон бошчилигидаги кўшин Хуросонга харбий юришлар қилиб, сафавийларга қучли зарбалар берди. 1513-йил 11-мартда Убайдуллахон Марвни эгаллайди. Бу орада Убайдуллахон Хоразмни ҳам эгаллаб, ўгли Абдулазизхонни ҳоким қилиб тайинлайди. Узок давом этган харбий тўқнашувлардан сўнг Машхад, Хирот (1529) ва бошқа шаҳарлар эгалланди. Убайдуллахон Хиротдаги мураккаб вазиятни тартибга солиш (бу ерда шиаларнинг таъсири қучайиб кетган эди) ва унинг Бухоро билан алоқаларини мустаҳкамлашга қатта эътибор қаратган. Кўчкунчихон вафот этгач, унинг ўгли Абу Саидхон даврида ҳам Убайдуллахон ноиблик вазифасида қолган.

1533-йилда Абу Саидхон вафотидан сўнг, туркий анъанага биноан султонлар ичида энг ёши улуги Убайдуллахон Бухорода шайбонийлар сулоласининг хони килиб кўтарилган. Пойтахт хам Самарканддан Бухорога кўчирилиб, давлатнинг номи расмий равишда Бухоро хонлиги деб аталган. Убайдуллахон хукмронлиги даврида Бухоронинг сиёсий, иктисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи кучайди. Бухорода Мир Араб мадрасаси, Мирак Саид Гиёс боги, Кўхак (Зарафшон) дарёси устида Мехтар Косим кўприги ва бошка иншоотлар курилди.

Убайдуллахон яссавия ва накшбандия тарикатларига эътикод килиб, шайх сифатида муридлар хам тарбиялаган. Убайдуллахон «Убайдий», «Кул Убайдий», «Убайдуллох» тахаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилган. Унинг учала тилдаги девонларини ўз ичига олган куллиёти кейинчалик Мир Хусайн ал-Хусайний томонидан кўчирилган (1583). Убайдуллахоннинг туркий девонида 310 газал, 430 рубоий, 11 туюк, 18 маснавий, 7 муаммо, 2 ёр-ёр мавжуд. Шунингдек, девондан диний-тасаввуфий ва ахлокий-дидактик рухтаги «Омонатнома», «Шавкнома», «Гайратнома», «Сабрнома» манзумалари ўрин олган. Форсий девонида эса 163 газал, 418 рубоий, 7 китъа, 1 фард, 1 маснавий, 1 таржеъбанд ва 3 муаммо бор. Араб тилидаги мероси 35 га якин газал, китъа ва фардлардан иборат. Убайдуллахон Ахмад Яссавий асос солган хикматнавислик анъанасини ривожлантирган. Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортик хикмат этиб келган. Убайдуллахон ижодида диний-тасаввуфий гоялар етакчилик қилади. Убайдуллахон ўзбек ва форс адабиётидаги йирик рубоийнавислардан ҳисобланади. Унинг бу 2 тилдаги рубоийлари 850 га якин. Хусусан, ўзбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги тараккиёти Убайдуллахон номи билан боғлиқ. Шоир шеърларида ўзбек тилининг бой имкониятларидан, ўзига хос хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланган.

Убайдуллахон Бухоро яқинида жойлашган Баҳоуддин мажмуасидаги Дахмаи шохон (Шохлар дахмаси)даги шайбонийлар хилхонасида дафн этилган. Убайдуллахон куллиёти ягона нусхада Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондида, «Девони Убайдуллохон» кўлёмаси Туркиянинг Нури Усмоғия кутубхонасида, «Масоил ус-салот» номли терма баёзи Кўниёдаги Иззаткуюн хусусий кутубхонасида сақланади.